

ТУМАН КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди

Сўх тумани ҳокимлиги мажлислар залида олтинчи чақириқ халқ депутатлари Сўх тумани Кенгашининг навбатдаги 83-сессияси бўлиб ўтди.

Унда тумандаги сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, халқ депутатлари туман Кенгashi депутатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессия кун тартибиага қўйидаги масалалар қўйилди:

1. Туман ҳокимининг 2024-йилда туманда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга қилиш, шунингдек белгиланган барча макро-иқтисодий кўрсатгичларни ортиғи билан таъминлаш бўйича тузилган режаларнинг тақдимоти.
2. Туманда қонунчилик ҳолати ва жиноятчиликга қарши кураш борасида прокуратура органлари томонидан 2023-йилда амалга оширилган ишлар якуни ва 2024 йилда соҳада кўриладиган чоратадбирлар бўйича туман прокурорининг ахбороти.
3. Туман маҳаллий бюджетини 2024 йил бошига шаклланган эрkin қолдиқ маблағларини йўналтириш, ташабbusли бюджет жараёнларини ўtkазиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида.
4. 3-секторроҳбари Қ.Раҳимбердиев ва 4-секторроҳбари Ф.Тўрабоевларни 2023-йилда ўз худудларида амалга оширилган ишлари тўғрисида ҳисоботлари.
5. Ҳуқуқий тасдиқловчи ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган, ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бирбиридан фарқ қиласидиган ерлар ва ушбу ерлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида.

Ушбу сессия кундалигига киритилган 5-та масала юзасидан мутасаддилар ахбороти ва ҳисботи эшитилди ва депутатлар томонидан муҳокама этилди.

Кун тартиbidаги биринчи масала юзасидан Сўх тумани ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев, туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Илҳомжон Тожибоевлар сўзга чиқиб, масала юзасидан сессия иштирокчиларга ахборот беришди ва 2024 йилдаги режалар хусусида етарли маълумотлар етказишиди.

Сессия иштирокчилари кун тартиbidаги иккинчи масала юзасидан туман прокурори Садирали Мирзокаримовнинг маърӯзасини тинглашди. Туман прокурори сессия иштирокчилариiga 2023 йил якунлари бўйича тўлиқ маълумотлар етказди.

тақдим этишди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги кадастр Агентлиги Сўх тумани бўлими бошлиғи Равшанжон Нозиров сессия иштирокчиларига сессия кун тартибидаги навбатдаги масала юзасидан ахборот берди.

Кун тартибига қўйилган маслалар муҳокамасидан сўнг Халқ депутатлари Сўх тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси якунланди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2024-02-15 16:14:28